



FACTORS OF INCREASING THE AESTHETIC OPINION OF STUDENTS USING THE LANDSCAPE GENRE

Yusupova Shohista Alimjanovna¹, Yodgorova Anora Abduvali kizi²

¹ Gulistan State University, teacher of fine arts,

² Student of Gulistan State University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4686882>

ARTICLE INFO

Received: 8th April 2021
Accepted: 11th April 2021
Online: 13th April 2021

KEY WORDS

Aesthetics, beauty, labor, art, nature, psychology, man, work, imagination, idea, artist, emotion, education.

ABSTRACT

The essence of aesthetic taste in the article. The importance of developing the aesthetic tastes of young people through the landscape genre in fine arts lessons. Information about the influence of the landscape genre on human life is given.

МАНЗАРА ЖАНРИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЭСТЕТИК ДИДЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Юсупова Шохиста Алимжановна¹, Ёдгорова Анора Абдували кизи²

¹ Гулистон давлат университети, тасвирий санъат ўқитувчиси

² Гулистон давлат университети талабаси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 8-aprel 2021
Ma'qullandi: 11-aprel 2021
Chop etildi: 13-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Эстетика, гўзаллик,
меҳнат, санъат,
табиат, психология,
инсон, асар, тасаввур,
гоя, рассом, хиссиёт,
тарбия.

ANNOTATSIYA

Мақолада эстетик диднинг мазмун моҳияти. Тасвирий санъат дарсларида манзара жанри орқали ёшларнинг эстетик дидларини ривожлантиришининг муҳим аҳамиятлари. Манзара жанрининг инсон ҳаётига таъсири ҳақида маълумотлар берилган.

ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭСТЕТИЧЕСКОГО МНЕНИЯ СТУДЕНТОВ С ПОМОЩЬЮ ЖАНРА ПЕЙЗАЖ

Юсупова Шохиста Алимжановна¹, Ёдгорова Анора Абдували кизи²

¹ Гулистанский Государственный Университет, преподаватель изобразительного искусства,

² Студент Гулистанского государственного университета



ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 8 апреля 2021 г.
Утверждено: 11 апреля 2021 г.
Опубликовано: 13 апреля 2021 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Эстетика, красота, труд, искусство, природа, психология, человек, работа, воображение, идея, художник, эмоция, воспитание.

Эстетик дид инсон эстетик онгининг муҳим таркибий қисмлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ҳис-туйғу ва тафаккур бирлиги, инсон ўзлигини ифодаловчи баҳосидир. Эстетик дидга эга бўлган инсонлар атроф-муҳитни улуғворлик ва тубанлик, гўзаллик ва хунуклик, фожиавийлик ва кўлгилилик каби тушунчалари орқали кўздан кечиради. Юқори эстетик дидга эга бўлиши ўзинигина эмас балким, атрофдагиларга ижобий таъсир кўрсатади. Бу қобилият билан туғилган бўлсада, аммо инсон ўзини асосан тарбия, ижтимоий муносабатлар орқали яратади. Албатта, эстетик дид ақлий (фаҳм), ахлоқий (фаросат) ва хиссий тарбия уйғунлашган умумийликдан иборатдир. Дид эстетик англашнинг энг муҳим унсури ҳисобланади. Шу сабабли эстетик дид тарбияси инсон камолотида муҳим ўрин тутади.

Қадимги замонлардан пайдо бўлган, меҳнат жараёнларининг тараққиёти натижасида, санъатда инсон тафаккури камол топди, гўзаллик хисси ортди, воқеаликдаги гўзаллик ва фойдалилик тушунчалари кенгая бошлади. Жамият вужудга келиши билан ижтимоий тараққиётда катта ўзгариш яъни, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Профессional рассомлар шу даврда пайдо бўла бошлади. Рассомлар

АННОТАЦИЯ

Суть эстетического вкуса в статье. Важность развития эстетических вкусов молодежи через жанр пейзажа на уроках изобразительного искусства. Дается информация о влиянии пейзажного жанра на жизнь человека.

халқлар орасида содир бўладиган турли хил ўзига хос бўлган тушунча ва воқеаликларни акс эттириб, асарлар яратилишга халқнинг бунда одоб-ахлоқлари, юриш-туриши, турмуш-тарзи, хислатлари ва фазилатларини акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Тасвирий санъат жанрлари орасида манзара жанри жуда ҳам кенг тарқалган ва ривожланиб келаятган жанрлардан бири ҳисобланади. Табиат, шаҳар, индустриал, интерйер кўринишларининг тасвири манзара жанрга мансубдир. Манзара жанридаги асарларнинг айримлари табиат манзарасини ҳақиқий кўринишини акс эттирилса, бошқалари эса ижодий тарзда ҳаёлан чизилган бўлади. Рассомлар ўз яратаётган асарларида ҳаётни қандай тасаввур қилсалар шандай эмас, балки ундаги характерли кўринишларни танлаб оладилар, кераксиз иккинчи даражали кўринишларни тушуриб қолдирадилар ва муҳимларини бўрттириб тасвирлашадилар. Танишиш ва бўрттириш орқали рассомлар нарса ва ходисаларни инсонларнинг тафаккури ва хиссиётларига самарали таъсир кўрсатиб, эстетик дидларини оширишга эришадилар. Рассомлар борлиқни шунчаки биладиган шахс эмас, балки у бой тасаввур ва тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган кишилар бўлиб ҳисобланадилар. Ўз ижодида борлиқни



шунчаки акс эттирибгина қолмай, балки унга асосланган холда нималарнидир хис қилиб ўйлаб топади ва тасаввур этади. Энг муҳими санъат асарлари ўз мазмунида борлиқни акс эттирибгина қолмасдан, рассомнинг ғояларини ифодалайди, уни бойитади, шу билан бирга бундай асарлар томошабинга эмотсионал таъсир кўрсатиш кучига эга бўлади.

Манзара жанридаги асарларда дунё воқеаликлари табиат эмас балки, мусаввир-мўқалам сохибининг ўй-хаёллари, ички кечинмаларини, кайфияти ҳам ўз аксини топмай қолмайди. Барча мусаввирлар турли хил манзараларни чизиб тасвирлашади. Масалан, водийлар, тоғлар, ўрмонлар, гулар ва боғлар, дарёлар, шулар жумласидандир. Қадимги Хитой санъатида рассомлар табиатини ҳам маҳорат билан акс эттирганлар. Европада манзара XV-XVII асрларда тараққий этди. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги рус реалистик санъатида манзара жанри бекиёс ўсди. Бу жанрнинг новаторларидан бири А.К.Саврасовдир. Тоғ, ўрмон, шаҳар ва қишлоқ манзараларининг тасвирланиши манзара жанрига тегишлидир. Манзаранинг моҳир усталари Клод Лорен, И.Шишкин, Л.Левитан, Ўрол Тансиқбоев, Н.Қарахан, Ғофир Абдурахмонов ва бошқа машхур рассомлар ижодини бу борада мисол келтириш мумкин. [1-80 бет].

Манзара жанрида ўқувчилар табиат кўриниши орқали жамиятимиз хаётига мансуб бўлган, муҳим бўлган воқеа-ходисаларни акс эттириб, илгари сурмоқчи бўлган ғояларни аниқ тасаввур қилишни ўрганади. Тасвирланаётган манзарада нарсалар орасидаги масофа, ўлчов нисбатлари ва рангларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари акс этирилади. Ушбу жанр бирмунча мураккаб бўлганлиги сабабли табиатдаги

нарсаларнинг ўзига қараб тасвирлаш ниҳоятда муҳимдир. Манзара ишлашда яқин, ўрта ва олисдаги яъни уч кўринишга эга. Бунда албатта яқин кўринишдаги нарсалар аниқ ва олисдаги нарсалар эса очроқ тасвирланади. Бу кўринишни тўғри тасвирлаш учун аввало табиатни синчиклаб кузатиб уни хис қилиш лозим. Манзара жанри ташқи дунёнинг гўзаллигини намаён эттириш билан бирга инсонга ижобий таъсир этувчи кучга эгадир. Шунинг учун рассом табиат оламининг энг нозик, ранг гармонияларини англаб, типик холатларини кўрсатиб ва табиатга нисбатан бўлган эстетик муносабатни билдиради. Табиатни тасаввур этганда биринчи навбатда гўзалликни кўз олдимизга келтираемиз. Шу боис манзара жанри ўқувчиларнинг гўзаллик бўйича тасаввурларини ошириб, эстетик дидларини ривожлантиради. Эстетиканинг ўзи нима? деган савол туғилади. Эстетика (юнонча- хис қилувчи, хиссий тарбияга доир)- хиссийёт, сезиш, ҳаяжон, кўзғалиш маъноларига эга бўлган сўздан олинган. Эстетика фани бир қатор ижтимоий фанлар билан узвий алоқада бўлгани каби, эстетика- санъатда ҳам ўз ўрнини топган. Ёшларнинг эстетик дидини юксалтириш бўйича тасвирий санъат билан боғлаб ўргансак ҳам бўлади. “Эстетика” сўзини биринчи бор фанга атама сифатида олмон маърифатчиси, файласуфи Александр Баумгартен (1714-1782) ўзининг “Поэти касрнинг баъзи бир масалалари тўғрисидаги фалсафий мулоҳазалари” асарида киритган.

Шу тариқа эстетика барчамизнинг турмуш тарзимизга кириб келган десак адашмаган бўламиз. Албатта биз бир неча кўринишларда бунга рўпаро бўламиз. Эстетика - ишлаб чиқариш эстетикаси, техника эстетикаси, дизайн ва спорт



эстетикаси, табиат эстетикаси, турмуш эстетикаси, меҳнат ва нафосат эстетикаси ва бошқалар жумласидандир. Гўзаллик, оғир вазминлик, одоб-ахлоқ муҳим категориялардан ҳисобланади. Эзгулик ва гўзалликка интилиш –эстетик эҳтиёждир. Илк гўзалликни биз табиатда кўрамиз. Фасллар ўзининг такрорланмас қирраларига эгадир. Ушбу қирраларни хис қилиб, уни гўзаллигини намойиш этиш рассомлар маҳоратига боғлиқ. Манзара жанрида инсонни ўзига нафислиги ва гўзаллик жиҳатлари борлиги билан жалб этади. Бунда эстетиканинг ўрни бекиёсдир. Гўзаллик ва эстетика бир-бирига ҳамоҳанг боғлиқ тушунчадир. Ўқувчиларда бу тушунчани янада юксалтириб боришни илгари суриш лозим, уларга бу соҳа бўйича янада кўпроқ билим бермоқ муҳим албатта. Ёшларга эстетикани шундай тушунтириш керакки улар манзара жанрида, нафақат манзара жанри балким бошқа бир юқорида санаб ўтган соҳаларимиз бўйича ҳам ўзгача завқ – шавқ билан иш кўрсалар бу бизнинг энг катта ютуғимиздир. Ёшлар шу тариқа ўз асарларида, ижодий ўзгача бир хис туйғу, гўзаллик, ўзига хос кўриниш билан юқори чўққига эришишлари мумкин. Бунда

ўқитувчи манзара жанрида ижод қилган рассомларнинг ишларини кўргазмалар сифатида фойдаланиб уни дарс жараёнларида таҳлил қилинади. Ёшлар мустақил фикрларини табиатни қандай кўз билан қарашлари ҳақида ўз муносабатларини бирма-бир гапириб беришади. Албатта, бу жараёнда ёшлар асарга разм солганда ўзини ўша оламга тушиб қолганини хис этади. Бунда инсон ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси гўзал онларга бой эканлиги ва буни биз уни хис қила олишимиз муҳим аҳамиятга эгадир. Ёшлар табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиб, ўзлари учун эстетик озуқа олишади. Бу олинган озуқа натижасида ўз ҳаёти қандай кўринишда тасвирлаши уларнинг олган тасаввурларига боғлиқ. Яна шуни таъкидлаш жойизки, ёшларда эстетик дидни ривожлантириш билан катта натижаларга эришиш мумкин. Ёшлар бу мавзуда олган маълумотлари бўйича, дунёқаршининг янада кенгайишига, тарбиянинг ижобий тарафга ўзгаришига, эркин фикрлашга ва ўз фикрларини эркин баён этиб мулоқотда бўлишларга ўргатади. Бу эса ўқитувчининг энг катта ютиқларидан биридир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. С. Абдурасулов. Тасвирий санъат ўқитиш методикаси. Т.: 2012 й.
2. Е.Умаров, Р. Каримов, М. Мирсаидова, Г.Айходжаева. Эстетика асослари. Т.: 2004 й.
3. Б.Н.Орипов. Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси. “ИЛМ ЗИЁ” Т.: 2016 й.
4. Р.Хасанов. Тасвирий санъат асослари. Т.: 2008 й.
5. Ў.Йўлдошев. Умумий педагогика (Ўқув қўлланма). Т.: 2017 й.